

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2025 йил 7 август куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, судья Ф.Тураходжаевнинг раислигида, ҳайъат судьялари: Е.Абибуллаев ва К.Мирсафаевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси: У.Норбоевнинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ш.Шомирзаев, маҳкум М.Утаевнинг ҳимоячиси – адвокат Б.Ташпулатовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2024 йил 10 июлдаги ҳукмига кўра,

**Утаев Мухаммад Абдуллажон ўғли** (Utayev Muxammad Abdullajon o'g'li), 1980 йил 28 октябрда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 2 нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланган:

- 1) жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2001 йил 26 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 2-қисми “б” банди билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2004 йил 28 июндаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;
- 3) жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2010 йил 10 майдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;
- 4) жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2013 йил 9 июлдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 60, 61-моддаларига асосан 3 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;
- 5) жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2018 йил 29 мартдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг 2019 йил 14 октябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 3 ой 15 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шу муддатга ахлоқ



тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2021 йил 12 апрелдаги ажримига кўра, ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 3 ой 16 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган;

б) жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2021 йил 21 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 60, 61-моддаларига асосан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Когон туман судининг 2023 йил 10 март кунги ажрими билан, тайинланган жазонинг ўталмай қолган 1 йил 5 ой 20 куни, шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, озодликни чеклаш жазоси ўталмаган (ИИБ Пробация бўлими томонидан ижроси таъминланмаган), Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Шуманай 3-тор кўчаси, 55-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича 2024 йил 21 февраль куни ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланиб, 2024 йил 23 февраль куни “қамокқа олиш тарзидаги” эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 30 май куни олганга

нисбатан 1-1004-2406/467-сон жиноят ишини маҳкум М.Утаев томонидан келтирилган тафтиш шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2024 йил 10 июлдаги ҳукмига кўра, М.Утаев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга шу модда билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида, 7 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

М.Утаев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 12 сентябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг 2024 йил 10 июлдаги М.Утаевга оид ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Утаев муқаддам гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноий қилмишлари учун судланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

Хусусан, М.Утаев ўзининг ёнида кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини, келгусида ўтказиш мақсадини кўзлаб сақлаб келиб, 2024 йил 04 февраль куни соат тахминан 22:45 ларда, Юнусобод тумани, “Туркқўрғон” маҳалласи, Кхай йўли “Иккипанжа” кафеси олдида А.Тулягановнинг



бошқарувидаги “Спарк” русумли автомашинада йўловчи сифатида кетаётган вақтида, ўзида шубҳа туғдирганлиги сабабли, шахсига аниқлик киритиш учун, “Ҳамкор-59” махсус тадбирига жалб қилинган ИИО ФМБ ППХ ва ХПБ ходимлари томонидан унга мурожаат қилинган.

Шундан сўнг, М.Утаев ИИО ходимларини кўриб, жиноий жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида, кўлида бўлган оқ полиэтилен пакетга солинган оч кулранг кукунсимон “героин” моддасини, автомашина олд ўнг томони ғилдирак остига улоқтириб юборган.

Ўтказилган шахсий тинтув давомида М.Утаевнинг чап кўли енгига Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги бўлган 20 000 сўмлик купюрага ўралган, оч-сарғиш рангли кукунсимон “героин” моддаси яширилганлиги аниқланиб, холислар иштирокида тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 05 февралдаги 436-сонли хулосасида, М.Утаевдан далилий ашё тариқасида олинган кукунсимон оч-сарғиш рангли ва кулранг моддалар фаол гиёҳванд модда, героин деб аталиши, умумий оғирлиги 1,29 граммга тенглиги аниқланган.

Маҳкум М. Утаев ўз шикоятда биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ҳукмдан норозилигини билдириб, унга нисбатан айбловга асос бўлган 1,1 грамм “героин” моддаси унга тегишли эмаслигини таъкидлаган.

Судлов ҳайъати, жиноят иши бўйича судья Ф.Тураходжаевнинг маърузасини, прокурор Ш.Шомирзаевнинг тафтиш тартибидаги шикоятини қаноатлантirmасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, маҳкум М.Утаевнинг ҳимоячиси – адвокат Б.Ташпулатовнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, тарафларнинг важларини атрофлича муҳокама қилиб, иш материалларини батафсил ўрганиб чиқиб, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят иши бўйича ҳақиқий ҳолат Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22 ва 26-моддалари талабларига мувофиқ равишда, ишни синчковлик билан ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўрганиш орқали аниқланган ҳамда асосли хулосаларга келинган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ишда мавжуд далиллар билан асосланган бўлиб, улар суд муҳокамаси жараёнида ЖПКнинг 94 ва 95-моддаларига мувофиқ баҳоланган.

Тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати, маҳкум М.Утаевнинг жиноят содир этганлиги қуйидаги далиллар билан тасдиқланган деб ҳисоблайди:

- жиноят ишидаги билдиргилар ва тушунтириш хатлари;
- далилий ашёни олиш тўғрисидаги баённомалар;
- суд-кимёвий экспертиза хулосаси;
- гувоҳларнинг кўрсатмалари;
- сўроқ ва юзлаштириш баённомалари;
- нарсани кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар;
- суд-наркологик экспертиза хулосаси;
- шунингдек, иш материалларидаги бошқа далиллар.



Шу асосда, биринчи инстанция суди томонидан иш бўйича ҳолатлар тўғри баҳоланган, далиллар қонуний асосда таҳлил қилинган ва М.Утаевнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисобланади.

Маҳкум М.Утаев томонидан берилган шикоятда, у жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳамда биринчи инстанция суди жараёнлари бир томонлама олиб борилганини, унга нисбатан айблов 1,1 грамм “героин” гиёҳвандлик моддасига асосланганини, ушбу модда унга тегишли эмаслигини, шунингдек суд томонидан асосан гувоҳлар Ф.Апшиедов ва А.Тўлагановнинг тушунтириш хатларига таянган ҳолда ҳукм чиқарилганини, тергов жараёнида гўё у целлофан пакетни автомашинадан ташлаб юборгани ҳақида ҳеч қандай қайд қилинмаганини ва А.Тўлаганов билан юзлаштирув жараёнининг видеоёзуви мавжуд эмаслигини таъкидлаб, мазкур ҳолатларни ҳисобга олишни сўраган.

Шикоятда келтирилган эътирозлар судлов ҳайъати томонидан ҳар томонлама таҳлил қилиниб, уларга нисбатан қуйидаги асосли хулосаларга келинди.

Иш материалларидан кўринишича, М.Утаевнинг жиноят содир этганлиги қатор ишончли ва бир-бирини тўлдирувчи далиллар билан тасдиқланган. Жумладан, гувоҳлар У.Абдураззоқов, А.Абдурахмонов, Ф.Апшиедов ва Д.Нишановнинг кўрсатмалари, шунингдек гувоҳ А.Тўлагановнинг терговга қадар текширув жараёнида ва дастлабки тушунтириш хатларида билдирган маълумотлари буни тасдиқлайди. Хусусан, у ўз кўрсатмаларида, автомашинасидаги икки нафар фуқаро – улардан бири М.Утаев экани, Ички ишлар органлари ходимлари томонидан текширилган пайтда, уларнинг бири целлофан пакетни ерга ташлаб юборганлигини аниқ баён қилган.

Шунингдек, тергов ҳаракатлари жараёнида юзлаштирув ҳам ўтказилган бўлиб, унда М.Утаев ва унинг адвокати иштирок этган, лекин юзлаштириш жараёнида гувоҳ А.Тўлагановнинг кўрсатмаларига нисбатан ҳеч қандай эътироз билдирилмаган.

Бу ҳолат тергов жараёнида процессуал ҳуқуқлар амалга оширилганини ва химоя томони ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланганини кўрсатади.

Шу билан бирга, дастлабки тергов ва суд тергови давомида иш бўйича аниқланиши лозим бўлган барча муҳим ҳолатлар ЖПК талабларига мувофиқ равишда синчковлик билан ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона ўрганиб чиқилган.

Юқорида келтирилган барча ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, М.Утаевнинг шикоятида билдирилган важлари ҳақиқатга тўғри келмайди ва ишдаги мавжуд далиллар билан инкор этилади.

Биринчи инстанция суди томонидан М.Утаевга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида баён этилган тушунтиришларга амал қилинган. Суд томонидан жазони тайинлашда судланувчининг қилмишини қисман тан олгани, содир этган жиноятдан чин дилдан пушаймон экани, шунингдек,



унинг қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги каби ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олинган.

Шу билан бирга, суд М.Утаевнинг аввал ҳам қасддан жиноят содир этганлиги, у учун тайинланган жазонинг тўлиқ ўтаб бўлинмасидан аввал яна қасддан янги жиноят содир этганини жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, суд унга нисбатан модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ЖКнинг 60-моддасига мувофиқ тайинлаб, унинг содир этган жиноятининг характери ва шахсий ҳолатини тўлиқ инобатга олиб, ЖК 34-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисида ва ЖКнинг 96-моддасига асосан, унга жазони ўташ даврида гиёҳвандликка қарши мажбурий даволаш чоралари белгилаш тўғрисида асосли хулосага келган.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция суди чиқарган ҳукм ҳар томонлама, ҳолисона ва тўлиқ ўрганилиб, унда қонун бузилиш ҳолатлари аниқланмагани сабабли, ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати М.Утаевга нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгаришсиз, тафтиш тартибида келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521<sup>4</sup>, 521<sup>6</sup>-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2024 йил 10 июлдаги **Утаев Мухаммад Абдуллажон ўғли** (Utayev Muhammad Abdullajon o'g'li)га оид ҳукми ҳамда Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 12 сентябрдаги ажрими ўзгаришсиз, келтирилган тафтиш шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан тарафлар тафтиш тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**Ф.Тураходжаев**

**Ҳайъат аъзолари:**

**Е.Абибуллаев**

**К.Мирсафаев**

